

Йўқлигида биродарининг номуси ва молини ҳимоя қилиш | Ўн бешинчи ҳақ



14:07 / 29.08.2025 662

Йўқлигида биродарига ёрдам қўлини чўзиб, унинг номуси ва молини ҳимоя қилиш.

Ҳадиси шарифда: **“Бирор киши (бир) мусулмонга - уни обрўси топталиб, ҳурмати поймол қилинаётган ўринда ёрдам берса, Аллоҳ унга - у одам ўзига ёрдам берилишини ёқтирган ўринда ёрдам беради. Бирор киши (бир) мусулмоннинг ҳурмати поймол қилинаётган ўринда (ўта поймол этувчилар томонида туриб уни ёрдамсиз қолдириб) хорласа, Аллоҳ уни айнан шу одам ўзига ёрдам берилишини хоҳлаб турган ўринда ёрдамсиз қолдириб хорлайди”, дейилган.**

Абдулҳамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**
китобидан.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.